
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР УЧУН ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, ҳокимлик бошқармаларининг Ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда блогерлар даставвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарорига кўра Марғилон шаҳрида олиб борилаётган ишлар мавзусида ташкил этилган Матбуот анжуманида шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов билан юзмаюз мулоқот олиб бордилар.

Анжуман давомида Марғилон шаҳрида мазкур қарори ижросини таъминлаш бўйича бажарилган ишлар ва келгусида амалга ошириладиган вазифалар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида мазкур қарорга асосан шаҳримиздаги 36 та маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга 33,1 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Мазкур маблағларнинг тасарруф этилишида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида фаоллар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, фуқароларнинг ўзлари томонидан берилган ташаббуслар асос қилиб олинган.

Хусусан, 21 та маҳаллаларда жорий даврга қадар 38,5 км ички йўллар асфальт қопламаси билан мукамал таъмирланди. Дастур доирасида ушбу кўрсаткич 41 км. дан ошиши кўзда тутилган.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш, оқова сув тизимини кенгайтириш мақсадида 8 та маҳаллаларда 9,0 км янги магистрал тармоқ ўтказилди, ҳозирда 3 та сув иншоотлари реконструкция қилинмоқда.

Матбуот анжуманидан сўнг ОАВ вакиллари учун шаҳардаги Рақамли технологиялар марказига пресс-тур ташкил этилди.

Марказда ташкил этилган 15 дан ортиқ ўқув курсларида ҳозирги кунда 750 нафар ёшлар таълим олмоқдалар.

Қувонарлиси, марказда 10 нафарга яқин иқтидорли ёшлар ҳамда фрилансерлар халқаро лойиҳаларда қатнашиб, ўз интеллектуал салоҳиятлари ёрдамида ойлик ўртача 5 000 АҚШ доллари атрофида аутсорсинг хизматларини амалга ошириб келишмоқда.

ОАВ вакиллари ушбу марказда фаолият олиб бораётган Жаҳонгир Иброҳимовнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Жаҳонгир Иброҳимов Инҳа унверситетини тамомлаган. Ўзининг YouTube-каналида 3D принтерда ясаган муҳандислик ишларини инглиз тилида жойлаб боради. Саудия Арабистонига ишлаш учун кетган шифокор отасининг ёнига бориш илинжида болалигидан инглиз тилини астойдил ўрганди. Дастурчининг ойида 3 000 дан 5 000 долларгача даромади бор. Ёш дастурчи ҳозирда Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида фаолият олиб бормоқда.

2023-05-04 15:08:07